

Роберт Бёрнс

ЁР КЎНГЛИНИНГ ҚИРОЛИМАН

Инглиз тилидан
БЕГОЙИМ ХОЛБЕКОВА
таржималари

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2011 йил

УДК: 821.511.133–1

ББК (4 Вел)

Б

Холбекова, Бегойим.

Ёр кўнглининг қиролиман: таржималар/ Б. Холбекова; –Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. –44 б.

Мазкур китоб Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши тавсияси асосида нашрга тайёрланди.

Бошқа тилдан кўра, аслиятдан таржима қилиш халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга кўпроқ, яхшироқ хизмат қилади. Қўлингиздаги китобда андижонлик истеъдодли таржимон ва нозима — Бегойим Холбекова устозлари изидан бориб, буюк шотланд шоири Роберт Бёрнсни соф ўзбекча куйлата олган. Бу — адабиётимизда ўзига хос воқеа, бу ҳар куни ҳам рўй беравермайди.

Ушбу ажойиб китоб сизнинг кўнглингизда унутилмас таассурот қолдиришига ишонамиз.

ISBN 978-9943-06-353-2

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2011 йил.



РОБЕРТ БЁРНС – ЭРК ВА МУҲАББАТ КУЙЧИСИ

Жаҳон адабиёти хазинасига катта ҳисса қўшган буюк шотланд шоири Роберт Бёрнс (1759 – 1796) нинг ҳаётбахш поэзияси бугунги кунда ҳам дунёнинг кўп тилларида жарангламоқда. Ўтнафас шоирнинг ўхшаши йўқ, бетакрор шеърияти уч асрдан бери шеърият ихлосмандларини ром этиб келмоқда.

Роберт Бёрнс илҳомни йироқлардан қидириб юрмайдиган шоирлардан. Унга илҳом — ёнидаги севгилисида, севгилисининг табассумида, жавдарзорда, қизларнинг гўзал чехраларида, ўз юртининг водийларида, дарёси-ю тоғларида, мустамлака Ватаннинг тарихида, озодлик учун курашган Уоллес, Брюс сингари халқ қаҳрамонларининг изтиробларида мужассам бўлиб кўринади.

Шоир кўп шеърларини атай шотланд лаҳжасида ёзади, чунки у Ватанини, халқини севарди.

Ўзбек ўқувчилари Бёрнснинг қўшиқ ва балладалари билан 1971 йилда таниқли шоир, таржимон Муҳаммад Али таржимасида танишганлар. Устоз ўз таржималарини воситачи тил — рус тили орқали амалга оширганлар.

Давр талаби билан аслиятдан таржималарга эҳтиёж ортгани боис, биз доврўгли шоир Роберт Бёрнс шеъриятига қайта мурожаат этиб, унинг шеърий асарларидан бир қанчасини инглиз тилидан бевосита она тилимизга ўгирдик. Улардан ўнтаси ўзбек тилида илк мартаба эълон қилинди.

Дўстлик ва муҳаббатни, умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи бу ёрқин шеърият қалбингизни хушнуд этади деган умиддамиз.

Таржимон





РОБЕРТ БЁРНС

Шотландия

ЖОН АРПА ДОНИ

Баллада

*(Қадимий шотланд қўшиқлари
асосига)*

Қадим замонда шарқда
Яшаганди уч қирол,
Элнинг оғзида машхур,
Шон-шуҳратга ўч қирол.

Кўринг учта номардни,
Назарини паст қилди.
Жон Арпа Дондек марднинг
Ҳаётига қасд қилди.

Шумниятлар ўч билан
Ҳукму фармон ёздилар.
Далада омоч билан
Жонга қабр қаздилар.

Кўклам, дарёда сув мўл,
Майсалар бош кўтарди.
Жон Арпа Дони дадил
Ер бағридан кўкарди.

Ёз фасли келгани он
Ёғий келолмас ёвуқ.
Бошоқ тортиб Арпа Дон
Ёйига жойлади ўқ.





... Куз киргач маҳзунгина,
Ранг-рўйи сомон бўлар.
Танда қолмай мадори,
Аҳволи ёмон бўлар.

Жон Арпа Донни, афсус,
Қартайгани билинди.
Бадният душманларин
Тузоғига илинди.

Чалғи билан ўришиб,
Товонидан сўйдилар.
Боғлам-боғлам қилишиб,
Ерга ёйиб қўйдилар.

Бўктириш-чун қудуққа
Солган эдилар яна,
Сувга ҳам чўкмади Жон,
Қалқиб чиқди мардона.

Шунда суякларини
Алангага отдилар.
Ловуллаган юрагин
Тегирмонда тортдилар.

Қозонга солиб Жонни,
Ўчоққа ўт қалашди.
Шароб қилиб қонини
Қадаҳларда улашди.

Бежиз эмас, ахир Жон
Ҳам мардона, ҳам ўктам.
Руҳин кўтаролган у
Кўнгли яримларнинг ҳам.



Бир қадаҳдан жонланар
Муҳаббатнинг шеваси,
Ғам-адуҳин унутар
Аскарларнинг беваси...

Мудом Арпа Дон ила
Қадаҳлар майга тўлсин.
Кўҳна шотланд ўғлонлари
Бу дунёда бор бўлсин!





ҲАЛОЛ ДЕҲҚОН ЭДИЛАР ОТАМ

Ҳалол деҳқон эдилар отам,
Мероси ҳам бўлмаган эди.
Лек ҳамиша фарзандларига
Адолатли одам бўл дерди.
Ор-номусни сақларди бутун
Бўлмаса-да ҳамёнда пули.
Дер эдилар қўёлгин устун
Виждонингни, қолсанг-да юпун.

Бола эдим ғамлардан йироқ,
Пулсиз дунё сари интилдим.
Бой-бадавлат бўлмадим, бироқ
Буюкликни мен ният қилдим.
Иқтидорим бор эди оз-моз,
Саводим ҳам дурустроқ эди.
Қалб қарорин этдим-да эъзоз,
Очиб кўрай бахтга йўл дедим.

Омад кулиб боқар бир кун деб,
Терлар тўкиб меҳнат қилдим.
Аммо ҳамма уринишларим
Саробларга кетганин билдим.
Гоҳ рақиблар тушди изимдан,
Гоҳ дўстларим сотиб қўйдилар.
Зафарларни қучар кезимда
Менга чоҳлар қазиб қўйдилар.

Кўрганим шу — бўлди зор-танглик,
Зое кетди бор умр йўлим.



Ва ниҳоят донолар янглиф
Қарор қилмоқ истади кўнглим.
Хайр-саховат надир кўрмадик,
Кўролмаймиз биз эртага ҳам.
Фаниматдир ушбу лаҳзалар,
Борлигича кўрайлик баҳам.

Ёруғ кундан умидимиз йўқ,
Йўқчиликдан диллар хокисор.
Не қилайлик, ҳаёт эканмиз,
Ишлаш керак, ишламоқ даркор.
Экин ўриш, ер ҳайдашга мен
Болаликдан қўйганман ихлос.
Мана шундай ишларнинг барин,
Отам шўрлик қолдирган мерос.

Умрим ўтар меҳнатда мудом,
Тирикликка шукрона айтиб.
Тин оларман мангу сўнгги дам,
Бу кунлар ҳам келмайди қайтиб.
Эртанги кун ташвишларидан,
Бугун холи девона юрак.
Менинг учун шу кун қадрли,
Мен шу ҳақда ўйлашим керак.

Подшоҳларнинг ворисларидай,
Шодлигимнинг чеки йўқ бу дам.
Гарчи тақдир йўлларимга лой,
Тиканли ғов тўсиб турса ҳам.
Эртага бир бурда нон бермас,
Менинг учун ҳасис бой қурғур.
Бугун егулигим борми, бас,
Шунисига қиламан шукур.



Ишлаб топган ҳалол пулларим,
Йўқчиликка бўлмайди урвоқ.
Гарчи очиқ қадоқ қўлларим,
Нега бундай пешонам шўрроқ.
Тушкунликка тушмайман, майли,
Ўткинчидир балки ҳаммаси.
Бойлик эмас, шодлик туфайли,
Давом этар ҳаёт нафаси.

Эй, сиз, бойлик ҳукмдорлари,
Бахтимисиз, айтинг-чи, бугун?
Очкўзларча интилаяпсиз
Икки ҳисса даромад учун.
Бўлмаса-да ҳамёнда пули,
Аммо қувонч бордир уларда.
Оддийгина, ҳалол деҳқонлар
Бойроқдирлар сиздан минг марта!





АРПАЗОРДА

Айни ўрим чоғида,
Арпа, бугдой — дон яхши.
Арпазор қучоғида
Ёр-ла ўтган он яхши.

Август эди ўшанда...
Ўтиб хиёл панага,
Арпазор орасидан
Пешвоз чикдим Аннага!

Эрта тонгдан шомгача
Ёнидан жилмай сира,
Сайр этмоққа кўндирдим
Уни арпазор ичра.

Арпалар сара, бўлиқ,
Игна бордай учида.
Санчилса-да шод бўлиб,
Думалашдик ичида.

Сархуш, маст-аласт бўлдим
Муҳаббатнинг бўйидан.
Ёрдан бўсалар олдим,
Бахтли этиш ўйида.

Қизни қаттиқ қучгандим,
У бағримда тўлғонди.
Севги иқрори бўлиб,
Ёноқлар лов-лов ёнди.



Тўй-томоша, зиёфат...
Дўстдан камим бўлмаган.
Пул бўлса-да, йўқ роҳат,
Кўнглим ёлғиз, тўлмаган...

Аммо менга баридан
Ёрни қучган кун азиз.
Арпазорда у билан,
Бирга бўлган тун азиз!





БЎСА

У севгининг намхуш муҳри,
Бахт-иқболнинг навбаҳори.
У қалбларнинг ўтли меҳри,
Бойчечакнинг илк оҳори.

Ўйин деса хўп ёпишган,
Болаларча ғамлардир ул.
Қўш кабутар тил топишган,
Энг бахтиёр дамлардир ул.

Ул қувончдир айрилар чоғ
Яна қачон? — деган савол.
Бу ҳисларга, айтинг, қандоқ
Сўзлар топай мен безавол?





МАҒРИБДАН ЭСТАН САБО

Шаббодалар турфа хил, лекин
Мағрибники азиз жон қадар.
У ёримни эслатиб секин,
Олиб келар у ҳақда хабар.

Водий ичра шивирлар ўрмон,
Ирмоқларнинг куйлари ширин.
Ўша ирмоқлардай сен томон,
Оқиб кетгим келаверар, Жийн.

Замин узра очилган чечак,
Ой юзингни ёдга солади.
Сокин ўрмон, қоронғу кеча
Сени соғингандай бўлади.

Марваридгул гунчаларига
Шабнамлар ҳам сингиб кетади.
Жийн ҳақида қушларнинг куйи,
Борлигимни энгиб кетади.

Клайд соҳилида қизларнинг
Ясанганин қилмайман писанд.
Кўнглим фақат яккаю ёлғиз
Жийннинг хаёллари билан банд.

Биламиз-ку ўша киборли,
Шохи кийган шаҳар қизларин.
Менинг учун сулув, оҳорли
Одмигина бўз кўйлакли Жийн.



Яйловдаги улоқчадир у,
Қувноққина, бирам беозор.
Шундай маъсумлигиданмиё
Дейиш қийин уни гуноҳкор.

Лекин унинг битта «гуноҳин»
Ошкор этар нурафшон кўзлар.
Гуноҳи шу — мени севгани,
Жондан ортиқ севгани, дўстлар!

Эсавергил, мағриб шамоли,
Япроқлар ҳам рақсга тушсин.
Асалари гулларнинг болин
Йиғиб ини томон учсин.

Тоғ-даралар, водийлар оша
Муҳаббатим қайтариб келгин.
Ҳижрондан тунд, зада кунларни
Кулгуси-ла ёриштира син Жийн.





ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Сафар олди юзимдан
Бир ўшиб суйди йигит.
Қараб қолдим изидан,
Не қилиб қўйди йигит?

Тоғ томон кетди. Туман.
Йўл ёмғирли, йўл дўлли.
Ўтинчим: оппоқ қорлар,
Ёрга бўлсин ёғдули!

Тунда кезган изғирин,
Шамоллар, берманг озор.
Ухлаб туш кўрсин ширин,
Уйғонсин тинч, бахтиёр.

Соғинганда водийга
Қараб ҳаёллар сурсин.
Ортга чорласа-да ишқ,
Маили, у олға юрсин!





АСКАРНИНГ ҚАЙТИШИ

Уруш тинди ҳамма ёқда,
Олам қайта ёришди.
Култепадан болажонлар
Паноҳ излаб қолишди.

Қайтарканман ўз ўлкамга,
Сақлаб йигитлик орим,
Бир тўрва-халта елкамда,
Шугина эди борим.

Юким енгил бўлса ҳамки,
Юрақда шодлик бисёр.
Чунки ўша мазлум элдан
Мол олмадим мен бирор.

Борар эдим эрта тонгда,
Маҳбубамнинг васлин ўйлаб,
Бир замонлар мовий кўзлар
Боққанин мени ром айлаб.

Мана, бизнинг сокин дарё,
Анависи тегирмон.
Мана бу ер толнинг таги,
Ёрга дилроз айтган макон.

Тепаликка чиқдим, мана,
Болаликдан таниш гўша.
Не бахтки, қаршимда Анна
Турар эди, ҳа, бу ўша!



Кўзларимдан ёшлар қалқиб,
Овозим ўзгарди андак.
Руҳимда тугёнлар балқиб.
Савол бердим, билмам, қандоқ.

Сўнгра дедим, ой юзлари
Қуёшдан ҳам чарогон
Қалбингни ким забт этса, у —
Дунёда бахтли инсон!

Қўлимда йўқ ҳеч вақо,
Тўрва бўш, бўшдир ҳамён.
Айт-чи, менга мабодо
Бўлоласанми мезбон?

Бир зумда ойдай юзлар
Фамгингина тус олди.
— Севганим эди аскар
Билмам, у қайда қолди.

У қайтмади, аммо унинг
Хотираси ўйимда.
Сендек аскарга доим
Жой топилар уйимдан!

Шундай деди-ю, бирдан
Қарай бошлади сирли.
Ўргилай деб тақдирдан.
Деди: — Ўзинг-ку, Вилли!..

Ҳа, мен ўша, севгилим,
Боринг — менга мукофот.
Жангдан соғ-омон қайтдим,
Ортда қолди шум офат.



Васлимга бўлиб маҳтал,
Садоқат-ла кутганим,
Гарчи ўзим камбагал,
Сен бойлигим-битганим!

Йўқ, деди: — Энди иккимиз
Яшаймиз бахтли, ҳамроз.
Бобом боғларин,ҳовлисин
Бизга қолдирган мерос.

- - -

Савдогарлар сув остидан
Жавоҳирларни излайди.
Фермер ижара устидан
Фойда олмоқни кўзлайди.

Аскарнинг-чи, виждони пок,
У — ватаннинг қалқони.
Дуч келиб қолса, бошпана —
Бериб, бўлинг мезбони.





ҚИЗИЛ АТИРГУЛ

О менинг муҳаббатим,
Қизил атиргул янглиғ.
Сирли оҳанги қадим,
Наволар-у, куй янглиғ.

Эй чехраси нурафшон
Ёр, сизга шайдодирман.
Қуриб битса-да уммон,
Ишқим-ла пайдодирман.

Ишқим ҳароратидан
Тоғлар эриб кетгуси.
Сизга бўлган пок севгим,
Асрларга етгуси.

Алвидо, ёр, сирдошим!
Алвидо, нозли дилдор!
Ўкинманг, йиллар ошиб,
Бир кун қайтурман такрор!





МУҲАББАТ ВА ҚАШШОҚЛИК

Бутун умр этса-да таъқиб,
Ўт муҳаббат, қабих қашшоқлик,
Ишқ яшайди қалбимда балқиб,
Шукр, бу ҳам ярим подшоҳлик!

Нечун доим тақдири азал
Муҳаббатга беради ҳалал?
Нега ишқнинг тиканли йўли?
Оҳ, нега ишқ бойликнинг қули?

Сохта обрў, бойлик ҳеч қачон
Тўкис бахтни беролмас бутун.
Афсус баъзи соҳиби даврон
Зарни қўяр ишқдан-да устун!

Гар йўқотсам ақлим гоҳида,
Кўз олдимга келар кўзларинг.
Мухрланар ёдим лавҳига
«Эсингни йиғ!» деган сўзларинг.

Лекин қандоқ эсимни йиғай,
Ёнгинамда турсанг ҳамнафас?
Айт-чи, қандоқ эсимни йиғай,
Нигоҳингдан уқиб турсам сас?

Қалбида чин бўлса муҳаббат,
Бахтли сезар ўзин камбағал.
У бойларга қилмагай ҳасад,
Ҳаваси ҳам келмас ҳеч маҳал!



Нечун доим тақдири азал,
Муҳаббатга беради ҳалал?
Нега ишқнинг тиканли йўли,
Оҳ, нега ишқ бойликнинг қули?

ЁР КЎНГЛИНИНГ ҚИРОЛИМАН

Денгиз қироли Жорж, Луис,
Ким бўлибдилар олдимда!
Жийндай азиз ёрнинг ўйи
Яшаб турганда қалбимда!

Ёр кўнглининг қиролиман.
Бахтим бўйлайди кўк қадар,
Менинг олдимда қироллар
Қиролмас, йўк, бир дарбадар!





* * *

Бир содиқ дўст ва бир қадаҳ май
Бўлса яна не кам дунёда.
Ҳаёт ташвишларин унутмай,
Дил яйрарми майдан зиёда.

Тўкис бахтдан йўқдир нишона,
Шодликни биз топамиз йўлдан.
Май ичмасак кўнгил вайрона,
Ул шодлик ҳам кетади кўлдан.

ҚИШ ҲАМ КЕТДИ

Қиш ҳам кетди, баҳор келди қайтадан,
Қушлар айтди баҳорга ўз тилагин.
Аммо менинг қалбимда йўқ ҳаловат,
Ташлаб кетди бағритошим, малагим.

Наъматак шошилар этмайин тоқат,
Мудроқ ариларга улашиб гулин.
Бир жуфт бўзтўрғайда тенгсиз фароғат,
Ғақат мени ташлаб кетди севгилим.





ВИЛЛИ

Омади чопмаган Вилли
Бозорга борди бир кун.
Сотиб эски гижжагини,
Бошқа мол олмоқ учун.

Сотмоқчи бўлди-ю, аммо
Фамли кўзи ёшланди;
— Шўрлик Вилли, ташвишланма,
Дарҳол уйга отлангин.

Алмисоқдан қолган, хароб
Матоҳинг сот, ўтирма.
Бир қадахдан келтир шароб,
Бўлди, бошинг қотирма.

Гижжагимни сотганимда,
Эсдан оғардим буткул.
Ахир, қанча бахтли дамда
Менга ҳамроҳ бўлганди ул?!.

— — — — —

... Борар эдим шаҳар бўйлаб,
Майхона очик турар.
Унда истироҳат айлаб,
Вилли дўстим ўлтирар.

— Дўстлар даврасида гўё
Кўринсанг-да, сен хушҳол,
Дилинг кемтик, Виллигинам,
Кел, бағримга кела қол.



ТЕГИРМОНЧИ

Тегирмончи, чанг тегирмончи
Янчар донимиз.
Удир элнинг бор ишончи,
Бутдир нонимиз.

Чанг, бошидан оёғи чанг,
Усти опшоқ гард.
Кўришдим, ўпиб юзидан,
Йўқолди ғам, дард.

Тегирмончи, чанг — тегирмончи
Ундан оқарган.
Гайрат қилиб, сарфлаб кучин,
Қоплар кўтарган.

Тегирмончи ишлаб топган
Пуллар пок-ҳалол,
Умрим бўйи мадҳ этаман
Уни бемалол!





КИЧИК БАЛЛАДА

Бор эди бир соҳибжамол,
Назокатли, қадди ниҳол!
Севар эди бир ботирни,
Аҳдида чин баҳодирни.

Эсиз, аммо ишқ болига
Тўймай туриб ташна лаблар,
Юртда машғум уруш сабаб
Видолашди ўтли қалблар.

Замбаракнинг зарбларидан
Денгизлар ҳам қалқар эди.
Жангда йигитни ўлимдан
Қиз хаёли сақлар эди.





ФАРЗАҢДИМГА

Муҳаббатим буюк тухфаси,
Мендан айро туғилган қизчам.
Майли, ортсин элнинг шубҳаси,
Мен отангман, митти юлдузчам.

Бахтли дамларимнинг гувоҳи,
Қалб ардоғим, ўсавер шодон.
Кечир мени, бўлса гуноҳим,
Лек отангни дема сен нодон.

Севгим учун курашдим, толдим,
Илтижолар қолди бесамар.
«Ялангоёқ» номини олдим,
Ишқ ўрнига сўрадилар зар.

Бобонг деди виқор-ла кулиб,
«Қиз бермайман сендек гадога».
Шундан бери куйларим мунгли,
Ёлворурман ёлғиз худога.

Олов ёшлигимдан эсдалиқ,
Жигаргўшам, қалб қоним ўзинг.
Онанг эди паричехрадек,
Сен фариштам, бор шоним ўзинг.

Фақат мендан ўкинма, эркам,
Бобонгни деб бахтим бўлди кам.
Ҳис этсанг бас меҳрим сойлигин,
Сенсан, ахир, танҳо бойлигим.



Неки бўлса дунёда лазиз,
Ҳадя этгум ҳатто жонимни.
Туюлса-да тансиқ ва азиз,
Сенга бергум сўнги нонимни.

Ниҳолгинам, кўкка бўй чўзиб,
Интилавер илиқ офтобга.
Суйганинг-ла бирга аҳд тузиб,
Бориш насиб этсин меҳробга.

Ўшанда мен шодликдан масрур,
Сенга бахтлар тилайман, қизим.
Бир бахтиёр отадек мағрур,
Меҳроб сари элтаман ўзим.





* * *

Бутун ерни зулмат қоплаган,
Аммо ёруғ қалбларда хитоб.
Қадаҳ тўла шароб ой бўлса,
Бизга бир жом май эса, офтоб.

Ҳисобла, кел, бекача,
Ҳой бекача, бекача!
Майингдан бер, берақол,
Дилни сархуш этганча!

Бойлар учун ҳар куни байрам,
Камбағалнинг кўкси тўла гам.
Майни ичгач бўламиз шодон,
Ўзимизча ҳаммамиз хоқон.

Ҳисобла, кел, бекача,
Ҳой бекача, бекача!
Майингдан бер, берақол,
Дилни сархуш этганча!

Қадаҳ менга муқаддас чашма,
Қалб ярасин даволагувчи.
Барча шодлик мен учун унда,
Борлигимни баҳолагувчи.

Ҳисобла, кел, бекача,
Ҳой бекача, бекача!
Майингдан бер, берақол,
Дилни сархуш этганча!..



* * *

Дарё узра зумрад қамиш,
Қад ростлайди нозлар билан.
Кўп ажойиб лаҳзаларни,
Ўтказдим мен қизлар билан.

Ҳаётимга мазмун берган
Ортда қанча кунлар қолди.
Гўзаллар-ла ишққа чўмган,
Энг фараҳбахш тунлар қолди.

Гоҳо бойлик, шон-шуҳратнинг
Қуллари бўлсак-да бизлар,
Ўша бойлик беролмаган,
Бахтни берар экан қизлар.

Менга беринг осуда тун,
Ёрнинг қайноқ оғушини.
Дунё ғамларидан бутун,
Фориг этай қалб қушини!

Ишқсизлар устимдан кулиб,
Пеш қилсалар-да ҳаёни,
Бир марду майдондек ёниб,
Севавергум мен аёлни!

Бу ҳақиқат кўпга аён,
Тоқ яшашлик тангрига хос.
Тангрим яратиб эркакни,
Сўнг жуфт яратган унга мос!



* * *

Хайр энди, гўзалим,
Соғлигинг-чун ичаман.
Гарчи севгим ўт ҳали,
Мен баридан кечаман.

Маъзур тутгил, умримнинг
Гуллар ҳали баҳори.
Кимга тегсанг-тегавер,
Ўзингда ихтиёринг.

Дейсан турмуш, ташвишни
Бошгинамга урмайман.
Мен ҳам тентак эмасман,
Сени кутиб турмайман.

Қариндошларинг сени
Бойга бермоқ истайди.
Тақдиринг ўйинчоқми,
Роса кулгим қистайди.

Десалар-да камбагал,
Қўлимдадир ўз эрким.
Фуруримни ҳеч маҳал
Топтай олмайди ҳеч ким.

Тан сиҳатлик-бойлигим,
Меҳнатдир ифтихорим.
Тоғни талқон қилурман,
Бор экан куч-мадорим.



Тўғри, баъзан чўққини
Забт этаркан сор-бургут,
Қанотида ҳорғинлик
Сезса сақлайди сукут.

Хайр, ёрим, яхши қол,
Бу ерлардан кетарман.
Даричангдан эҳтимол
Бир бор қараб ўтарман...





АЙРИЛИҚ

Интиқ бўса, сўнг ёшли мужгон,
Айри тушди йўллар ҳар томон!
Видолашдик гарчи пичирлаб,
Фарёд солди юрак қон йиғлаб.

Тақдир экан, не ҳам қилдик биз,
Умидни чин бахт деб билибмиз.
Аммо бугун кўзларимда ёш,
Сенсиз йўлим ёритмас қуёш.

Оҳ, қайданам кўришдик бизлар,
Оҳ, қайданам севишдик бизлар!
Севмасайдик бунчалар интиқ,
Абгор этмасмиди айрилиқ?

Майли, омон бўлгин, сен, гулим,
Кўнгил мулким, азиз севгилим.
Ҳамроҳ бўлсин қалбингга абад
Тинчлик, шодлик, роҳат, муҳаббат!

Астагина ўпишдик гирён,
Айри тушди йўллар ҳар томон!
Видолашдик гарчи пичирлаб,
Фарёд солди юрак қон йиғлаб.





ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Шотланд халқ қўшиқлари оҳангида

Дарё денгизга оқади,
Мавжлари дилга ёқади,
Соҳилда кимдир боқади,
Билдим, у — тикувчи йигит.

Еттита йигит йўлимни
Тўсдилар, сўраб қўлимни,
Улар билмайди кўнглимни,
Кўнглим тикувчи йигитда.

Ота-онам зорлайдилар,
Бойга тег деб зўрлайдилар,
Унутгин, деб хўрлайдилар,
Қувноқ тикувчи йигитни.

Отам — шафқатсиз, димоғдор,
Дейди: «Унга бермам зинҳор!»
Аммо қалбим беозор ёр —
Ўшал тикувчи йигитда.

Токи дарё шовқин солар,
Арилар гул болин олар,
Жавдар ёмғир ичра қолар,
Севганим тикувчи йигит.





* * *

Шом чоғи жавдарзорда,
Кун қорайтгач қошини,
Учрашувдан қайтди Женни,
Нам қилиб уст-бошини.

Майсадаги шабнамлар
Титратди навниҳолни.
Кўрмаганди бечора қиз
Умрида бундай холни.

Жавдарзор аро диллар
Талпинса бир-бирига,
Ё қучса кимни-кимдир,
Шерик бўлманг сирига!

Нима бўпти оқшомда
Тебранса жавдар боши,
Ошиқлар бўсасидан
Порласа ишқ қуёши!..





* * *

Шароб бергил, тўлдириб бергил
Билмур қадахларда сен бугун.
Сафар олди сўнгги бор ичай
Гўзал ёрим соғлигинг учун.

Силкинади кема лангари,
Синагандай шамолнинг кучин.
Кетмай туриб заминдан нари,
Мен сен учун ичаман, Мэри!

Бизни кутар суронли онлар,
Жангга чорлар ҳилпираб байроқ.
Садо берар ҳарбий фармонлар,
Найзалар ҳам саф тортар шу чоқ.

Мен қўрқмайман жангу жадалдан,
Ўткинчидир мен учун бари.
Лек қандоғам айрилай сендан
Ёлғизгинам, севгилим, Мэри!





ҚҰШИҚ

Шафқатсиз ота-она
Қизин бойга бермоқчи.
Ўзларича шохона
Орзу-ҳавас кўрмоқчи.

Отанинг сўзларига
Шўрлик қиз қулоқ солди.
Ёш тўлиб кўзларига,
Ёт уйига йўл олди.

Кабутардек беозор
Қизга гам шерик бўлди.
Суйганимас, бир ағёр
Бугундан эри бўлди.

Маъсумгина қалбида
Қиз муҳаббат туймади.
Бойваччанинг бағрига
Бошини ҳам қўймади.





ЖОН АНДЕРСОН

Жон Андерсон, қадрдон дўстим,
Бизлар илк бор танишган онда,
Тундай қаро, қуюқ сочларинг
Барқ урарди дўнг пешонангда.

Энди эса манглайинг яйдоқ,
Сочларинг-чи, қордайин ошпоқ.
Қовжираган, совуқ кафтларинг
Дуога шай, дуога ҳамроҳ!

Жон Андерсон, ўзимнинг дўстим,
Сен-ла қирлар ошган эдик.
Қанча ёруғ, шонли кунларда
Тўлқин каби тошган эдик.

Бугун-чи, кел, тоғлар барида
Сайр этайлик қўл ушлашиб.
Чўзилиб шу замин бағрида
Ётайлик бир дийдорлашиб.

Жон Андерсон, қадрдон дўстим!





ҚҰШИҚ

*«Супургидан олинглар» номли шотланд
халқ қўшиғи оҳангига*

*Супургидан олинглар!
Тезда тугаб қолади.
Боғламлари арчадан
Бун билган олади!*

Хотин керак менга бир —
Яхшими ё ёмонроқ,
Қандай бўлса барибир
Тул бўлгани яхшироқ.

Дўмбоқми ё ориқми —
Бун суриштирмайман.
Хунук бўлса ҳам майли,
Тун қоронгу, кўрмайман.

Навниҳол бўлса агар —
Ўт бағримда яйрайди.
Кекса бўлса-чи, магар —
Бир кунимга ярайди.

Туғиб берса ҳам майли,
Уйим бўлади бозор.
Туғмаса яна яхши,
Чекмайман ташвиш, озор.

Гар шаробни ёқтирса,
Ичсин сақлаб орини.
Ёқтирмаса, жуда соз,
Мен ичаман борини!



* * *

Хайр энди, Элиза – жоним,
Айрилиқнинг азоби ёмон.
Олис ўлка бўлар маконим,
Айирмоқда бизларни уммон.

Ўртаса-да бизларни ҳижрон,
Билки, қалбан биргамиз доим.
Ҳадсиз соғинч ила бегумон
Учраштирар балки худойим.

Сени бунда қолдириб, эркам,
Олисларга кетмоғим тайин.
Сирли овоз шивирлар: «Тушун –
Ортга қайтмоғинг бўлар қийин».

Кел, сўнгги бор кўлингдан тутиб,
Меҳрингни мен ҳис этай жондан.
Йиғламагин, ширин жилмайиб,
Юрагимни олиб қол тандан.





ТУНАШ УЧУН ЖОЙ БЕРГАН ДИДДОР

Январ оyi эди изгирин,
Қорли тоғда ёлғиз қолгандим.
Тунаш учун пана, яширин —
Жой тополмай ожиз қолгандим.

Омад кулиб ўшанда бир бор,
Учраб қолди йўлда бир дилдор,
Деди: «Анча совуқ қотибсиз,
Тунай қолинг уйимда, шунқор!..»

Қиз таклифи жоним яйратди,
Орқасидан эргашдим шодон.
Совуқдан муз қотган танамни
Шароб бериб илитди жонон.

Жой тайёрлаб сўнгра бирпасда,
Нафис чойшаб ёпиб қўйди у.
«Хайрли тун» тилаб оҳиста,
Бағримга ўт ёқиб қўйди у.

Кўнгил дерди: «Гўзалим, сен қол!..»
Кетмасин деб қилдим баҳона
Ва сўнг дедим: «Келмаса малол,
Ёстиқ беринг яна бир дона...»

Дилгинамдан кетди губорим,
Келтирганда ёстиқ дилдорим.
Қучиб олдим бағримга маҳкам,
Баён этдим севги изҳорин!..



Ёноқлари кетди ловуллаб,
Кўзларида балқди ҳаяжон:
«Гар ишқингиз бўлса чин, боқий,
Қўл тегизманг менга, ёри жон!..»

Майин эди сочи ипақдан,
Тишларин дур қатори дейсиз.
Менга ўрин-жой солиб берган
Гул юзни гул ифори дейсиз.

Кабутардек сийналари-чи,
Қорли чўққиларга ўхшарди.
Ҳаяжондан потирлашлари
Жон-жонимга ўт қалашарди.

Тунаш учун жой берган қизнинг
Лабларидан бўсалар олдим.
Ул беғубор тоза гул юзнинг
Юрагига ишқ ўтин солдим!..

Иқрор бўлиб севгимга охир,
Кўзларини юмиб олди у.
Мен ва девор ўртасида жим,
Маъсумгина ухлаб қолди у.

Эрта тонгда уйғониб бардам,
Оғушимга олдим дилдорни.
Деди: «Сизни кўрдим қайданам,
Билмас эдим ишқни, озорни!»

Ёрнинг зулфи, ёшли кўзини
Ўпиб туриб айтдим аҳдимни:
«Ҳали кўп бор жой солишинг бор,
Мен шу ерда топдим бахтимни».



Шунда ёрим дераза томон
Бориб қўлга олди игна-ип.
Ўша январь тонги, тотли он
Ҳадя қилди бир кўйлак тикиб...

Кунлар ўтар, ўтар йиллар жам,
Замин узра ёғар, ёғар қор...
Хотирамдан кетмас сира ҳам
Тунаш учун жой берган дилдор!



МУНДАРИЖА

Роберт Бёрнс — эрк ва муҳаббат куйчиси (<i>Таржимондан</i>).....	3
Жон Арпа Дони.....	4
Ҳалол деҳқон эдилар отам	7
Арпазорда.....	10
Бўса.....	12
Мағрибдан эсан сабо.....	13
Қиз қўшиғи.....	15
Аскарнинг қайтиши.....	16
Қизил атиргул	19
Муҳаббат ва қашшоқлик.....	20
Ёр кўнглининг қиролиман.....	21
«Бир содиқ дўст ва бир қадаҳ май...».....	22
Қиш ҳам кетди.....	22
Вилли.....	23
Тегирмончи.....	24
Кичик баллада.....	25
Фарзандимга.....	26
«Бутун ерни зулмат қоплаган...».....	28
«Дарё узра зумрад қамиш...».....	29
«Хайр энди, гўзалим...».....	30
Айрилиқ.....	32
Қиз қўшиғи.....	33
«Шом чоғи жавдарзорда...».....	34
«Шароб бергил...».....	35
Қўшиқ.....	36
Жон Андерсон.....	37
Қўшиқ.....	38
«Хайр энди Элиза...».....	39
Тунаш учун жой берган дилдор.....	40

Роберт Бёрнс

ЁР КЎНГЛИНИНГ ҚИРОЛИМАН

Инглиз тилидан
БЕГОЙИМ ХОЛБЕКОВА
таржимаси

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*
Бадий муҳаррир: *Аслиддин Жўраев*
Техник муҳаррир: *Шавкат Жўрабоев*
Саҳифаловчи: *Акмал Жўрабоев*

Босишга 2011 йил 29 мартда рухсат этилди.
Бичими 84x108. $\frac{1}{32}$ Ҳажми 2,75 ш.б.т.
Адади 500 нусха. Буюртма № 312.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33 уй.